Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1999 йил 9 октябр шанба

Сотувда эркин нархда № 200 (2238)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

**БЕДОР ЎЙ**

*Барчага маълумки, спорт ҳар доим тинчлик элчиси, халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашнинг ноёб воситаси бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.*

**Ислом КАРИМОВ**

## УКРАИНА — ИШОНЧЛИ ДЎСТ, МУНОСИБ ҲАМКОР



Ҳамкорликнинг янги босқичи – Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 7-8 октябр кунлари Украинага буюрган расмий ташрифи натижаларини ана шундай сифатлаш мумкин. Украин заминида ўтказилган музокаралар, имзоланган ҳужжатлар, билдирилган фикрлар бунинг яққол далилидир.

Ўзбек ва украин халқларини жуда кўп жиҳатлар бирлаштириб туради. Лекин уларнинг энг кўзга ташланадигани одамларимизнинг меҳмондўстлигидир. Бу муштарак хусусият давлатимиз раҳбарининг Украинага сафари аввалидаёқ, Киевнинг "Борисполь" аэропортида ёрқин намоён бўлди. Ислом Каримов украинча нон-туз билан кутиб олинди.

Шу ернинг ўзида Ислом Каримов маҳаллий журналистларнинг саволига жавоб қайтариб, мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик тобора ривожланиб бораётганлигининг ифодаси сифатида сўнгги вақтда давлатлараро товар айланмаси ҳажми кескин ортганлигини айтди.

Дастлаб икки давлат раҳбарларининг яккама-якка учрашуви бўлиб ўтди. Ислом Каримов ва Леонид Кучма давлатлараро муносабатларни янада юқори босқичга кўтариш, иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш, ўзаро савдо маблағини кўпайтириш, транспорт коммуникацияларини ривожлантириш ва бошқа масалалар хусусида фикр алмашдилар.

Шундан кейин президентлар иштирокида Ўзбекистон ва Украина делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлиб ўтди. Музокараларда икки мамлакат ўртасидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-молиявий, энергетика ва транспорт соҳаларидаги алоқалар тобора юксалиб бораётгани, Ўзбекистон раҳбарининг мазкур ташрифи эса бу борада муҳим босқич вазифасини ўташи таъкидланди. Самарали музокараларнинг натижаси ўлароқ, Ўзбекистон ва Украина ўртасида катта аҳамиятга молик давлатлараро ҳужжатлар имзоланди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Украина Президенти Леонид Кучма икки давлат ўртасидаги ҳам ўзаро, ҳам глобал ва минтақавий миқёсдаги стратегик ҳамкорлик ҳақидаги қўшма баёнот ҳамда Ўзбекистон Республикаси билан Украина ўртасида 1999-2008 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битимга имзо чекдилар.

Ўзбекистон ташқи ишлар вазири А.Комилов ва Украина ташқи ишлар вазири Б.Тарасюк икки ёқлама фуқаролик ҳолатларининг олдини олиш тўғрисидаги битимни ратификация қилиш ҳақидаги протоколга имзо чекдилар.

Шундан сўнг икки мамлакат президентлари оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ўтказдилар.

Леонид Кучма бўлиб ўтган музокаралар, имзоланган ҳужжатлар мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар стратегик аҳамиятга молик эканлигини яна бир бор намойиш қилганини қайд этиб, Украина Ўзбекистон билан бундай алоқалардан ҳар томонлама манфаатдор эканлигини ва иқтисодий ҳамкорлик ҳақидаги битимга катта умид боғлашини таъкидлади. Мен бизга кўрсатилган катта ёрдам учун Ўзбекистон раҳбаридан миннатдорман. Бу йил Ўзбекистон пахтаси ортилган илк вагонлар Украинага келди. Бу эса аввало тўқимачилик соҳасида минглаб одамларни иш билан таъминлаш демакдир. Ўз навбатида бу нафақат иқтисодиётга, балки одамларнинг руҳиятига, ижтимоий соҳага ижобий таъсир этади. Шунинг ўзи давлатларимиз ўртасидаги ишончнинг мустаҳкамлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов музокаралар чоғида экстремистик ва террористик кучлар таъсирида Ўрта Осиё минтақасида вужудга келган вазият, жумладан, Қирғизистон жанубидаги мавжуд аҳвол ҳам муҳокама этилганини айтди. Мамнуният билан шуни қайд этмоқчиманки, деди Юртбошимиз, барча муҳокама этилган масалалар, уларни ҳал этиш юзасидан қарашларимиз ҳамоҳангдир.

Икки давлат ўртасида имзоланган ҳужжатлар сони юзга яқинлашди. Бугун қабул қилинган ҳужжатларнинг асосийси эса 2008 йилгача мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битим бўлиб, уни амалга ошириш бўйича аниқ дастур ҳам ишлаб чиқилган. Айтиш керакки, Ўзбекистонда ҳам, Украинада ҳам мамлакатларимизда ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хомашёга эҳтиёж мавжуд. Мазкур битим ўзаро манфаатли шароитда бу талабни қондириш имконини беради.

— Умуман, Украина билан муносабатларимиз ҳақида гапирадиган бўлсак, нафақат мен ўзим, балки бутун ўзбек халқи Украина билан дўстона, мустаҳкам ва узоқ муддатли алоқалар тарафдоридир, — деди Йўлбошчимиз. — Шу маънода, биз Украина барқарор ривожланиш йўлидан боришидан, бугунга қадар олиб борилган тараққиёт йўналишида давом этишидан манфаатдормиз.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ўзи жойлашган қароргоҳда Украина Бош вазири Валерий Пустовойтенкони қабул қилди. Суҳбат чоғида ўзаро иқтисодий ҳамкорликнинг янги йўналишларини очиш, алоқаларни янада ривожлантириш хусусида фикр алмашилди.

Ташриф асносида Ислом Каримов Украина миллий телевидениесининг биринчи каналига интервью берди. Юртбошимиз Ўзбекистон билан Украина нафақат икки томонлама муносабатлар, балки жаҳон миқёсидаги кўпгина масалалар бўйича яқин ҳамфикр эканлигини қайд этди.

Давлатимиз раҳбарининг Украинага расмий ташрифининг иккинчи куни иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган украиналик аскарлар хотирасига ҳурмат бажо келтиришдан бошланди. Президентимиз Киевдаги Номаълум аскар қабрини зиёрат қилди.

Мариин саройида Ислом Каримов ва Леонид Кучманинг якуний учрашуви бўлиб ўтди. Икки мамлакат раҳбарлари ташриф самарали бўлганлиги ва у муносабатларимизни янги поғонага олиб чиқишига ишонч билдирдилар.

Украина корхоналарининг Ўзбекистон билан ҳамкорликка интилиши нақадар кучли эканини "Борисполь" аэропортида кўриш мумкин бўлди. Ташриф дастури ўта тиғизлиги инобатга олиниб, бу ерга Украина машинасозлик корхоналарида ишлаб чиқарилаётган трактор ва ғалла ўриш комбайнларининг янги моделларидан намуналар келтирилган экан.

Ислом Каримов Леонид Кучма ҳамроҳлигида уларни кўздан кечирар экан, украин техникасининг унумдорлиги, замонавий талабларга қанчалик жавоб бериши, Ўзбекистон шароитига қай даражада мослиги билан қизиқди. Уларни юртимиз далаларида синаб кўриш таклифини билдирди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Украинага сафари ниҳоясига етди. "Борисполь" аэропортида Ислом Каримовни Украина Президенти Леонид Кучма ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолди.

Украинадан қайтаётганда Юртбошимиз ўзбекистонлик журналистларга интервью берди:

– Украина мамлакатимизнинг халқаро муносабатларида алоҳида ўрин тутади, — деди, жумладан, Ислом Каримов. — Ўтмишга мурожаат қиладиган бўлсак, халқларимиз ўртасидаги алоқалар узоқ тарихга эга. Ички ва ташқи сиёсатда, давлатларимиз келажагини қуриш масалаларида қарашларимиз муштарак. Шу боис ҳар сафар бу диёрга келганимда ўзимни дўстлар даврасида ҳис қиламан.

Бироқ бугун ўзаро муносабатларимиздаги бор имкониятларимизни ишга солиб, товар айирбошлашни янада кўпайтиришга тўсиқ бўлаётган баъзи сабаблар мавжуд. Улар қаторида Украинадаги турли сиёсий тортишувлар, ўзаро ҳисоб-китоблар масаласи тўлиқ ҳал этилмаганлигини айтиш мумкин. 2008 йилгача иқтисодий ҳамкорлик ҳақидаги Битим бу борадаги муаммоларни бартараф этишга қаратилган амалий ҳужжатдир.

Йўлбошчимиз булар ташриф мақсадининг иқтисодий томони эканлигини айтиб, иккинчи мақсад сиёсий ҳамкорлик бўлганини маълум қилди. Зеро, Ўзбекистон Украина каби ҳарбий-техникавий ва илмий салоҳиятга эга қудратли шерик ва елкадош дўст мамлакат билан ҳамкорликдан манфаатдор.

– Сафардан кўзланган яна бир ният борки, бу ҳақда ҳам очиқ айтиш зарур, — деди давлатимиз раҳбари. – Бу – Украинадаги Президент сайлови арафасида Леонид Кучмадек тажрибали ва ишончли раҳбарни қўллаб-қувватлаш. Демоқчиманки, биз Украина халқи ўз тараққиёти йўлидан собитқадамлик билан боришидан, алоқаларимиз барқарор ривожланишидан манфаатдормиз. Пировардида, дўстлигимиз абадий эканлигига, барча соҳалардаги ҳамкорлигимиз бардавом бўлишига қатъий ишонамиз.

**Беҳзод УСМОН,**
**ЎзА махсус мухбири**
**Тошкент-Киев-Тошкент.**

**СУРАТДА: Расмий ташриф пайтидан лавҳа. А. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.**

## МУСТАҚИЛЛИК ЮЛДУЗЛАРИ

**Турли мусобақаларда ғолиб бўлган спортчиларимизнинг шоҳсупага чиқиб, Ватанимиз мадҳиясини тинглаётган ҳолатини ҳеч кузатганмисиз? Ўнг қўлининг кафти чап кўкрагини устида туради. Бу бежиз эмас, албатта. Спортчи эгнига кийган кийимининг айнан шу жойига давлатимиз герби тасвири туширилган. Бу — Ватан рамзи. Яна ҳам чуқурроқ мулоҳаза юритмоқчи бўлсангиз, инсон юраги ҳам шу ерда жойлашган...**

**XXI аср сари**

1974 йил Куба пойтахти Гавана шаҳрида ўтказилган бокс бўйича биринчи жаҳон чемпионатида ўзбекистонлик спортчи бош соврин эгаси бўлди, «Тошкент йўлбарси» деган ном олди. Ўшанда курраи заминнинг турли бурчакларидан ташриф буюрган томошабинлар билан лиқ тўлган зал тепасида дунёнинг биринчи чемпиони шарафига қип-қизил байроқ ҳилпираганида нега Руфатнинг қалбида бир армон садо берганлигининг сабаби бугун барчага аён.

Орадан 25 йил ўтди. Р. Рисқиевнинг ғалабасини андижонлик чапдаст йигит Ўткирбек Ҳайдаров яна бир карра такрорлади. Энди тамоман бошқа туғ мардона ҳилпиради, ўзга мадҳия янгради. Энди армон эмас, қувончимиз садоси етти иқлимга таралди.

1994 йил Хиросимада ўтказилган Осиё ўйинларини эсланг. Мамлакатимиз чарм тўп усталари бутун қитъани лол қолдириб, биринчи ўринни эгаллашди. Ўшанда моҳир ҳужумчимиз Шуҳрат Мақсудов Ўзбекистон байроғини даст кўтариб, бутун стадион бўйлаб югурганида телевизор олдига михланган минглаб юртдошларимизнинг кўзидан беихтиёр ёш чиқиб кетганини инкор эта оласизми? Беихтиёр дедик. Йўқ, бу рамзий тушунча. Аслида кўнгил, юрак амрисиз заррача йиғлай олмаймиз. Қалбда ватанпарварлик туйғуси жўш ураётган эканки, юртнинг шуҳрати юксалганидан қувонч ёшларига ичдан изн бердингиз. Энди ўзингиз айтинг, азиз ўқувчим, буларнинг бариси биз эришган Озодлик, Ҳуррият шарофати эмасми?

Дарҳақиқат, мустақилликдан кейин нафақат иқтисодий-ижтимоий жабҳаларда, жумладан спорт соҳасида ҳам мақтанса арзигулик ютуқларга эришдик, мамлакатимиз нуфузли халқаро мусобақалар ўтказиладиган ўзига хос марказга айланди.

Ўзбек курашининг довруғи тикланиб, биринчи жаҳон чемпионати ўтказилганлиги, анъанавий бўлиб қолган теннис бўйича «Президент кубоги»нинг шуҳрати ҳақида гапирмасам ҳам барчангизга яхши маълум. Юртимизда қисқа фурсатда қад ростлаган замонавий спорт мажмуалари, муҳташам теннис кортларини ҳам ўз кўзингиз билан кўриб турибсиз.

Нурхон Нафасов бошчилигидаги ёш каратэчиларимизнинг довруқли япон «оқ кийим»ларини титратаётгани ҳақида сўз очиш менга фахр бағишлайди. Ёхуд шарқона якка курашнинг яна бир тури — таэквондо усталаримизнинг ютуқлари ҳақида гапириш мен учун мароқли.

Аёллар ўртасида волейбол бўйича мамлакатимиз терма жамоасининг «Микассо кубоги»ни қўлга киритганини ҳамма ватандошларимиз ҳам билмаса керак, деган фикрда қизларимизнинг Япония, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон жамоалари устидан эришган ажойиб ғалабалари ҳақида тўлқинланиб ёзишга ҳақлимиз. Пойтахтимизда ўтказилган эркин ва юнон-рум кураши бўйича Осиё чемпионатида иштирок этган хорижий мутахассис ва спортчиларнинг мусобақа жуда юксак савияда ташкил этилганидан ўз ҳаяжонларини яширолмаганлигига нима дейсиз?

Хуллас, ёзаверсак мисолларнинг охири кўринмайди. Лина Черязованинг Олимпиада, Артур Григоряннинг саккиз карра жаҳон чемпиони бўлганлиги-чи! Рустам Қосимжоновнинг оламнинг энг кучли шахмат усталарига муносиб рақиб эканлигини, теннисчи қизимиз Ирода Тўлагановaнинг Уимблдон маликаси бўлганлигини нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам каттаю кичик яхши билади.

Ютуқларимиз ҳақида гапириш яхши, аммо спорт соҳасида камчиликларимиз йўқми, дея эътироз билдиришингиз турган гап. Тўғри, камчиликларимиз ҳам, очилмаган имкониятларимиз ҳам етарли. Бироқ, тан олиб айтайлик. Эндигина саккиз ёшга тўлган давлатнинг ютуғи бўлса, шунчалик бўлсин-да. Ён дафтарингизни, қалин-қалин тарих китобларини ахтариб кўрингчи, дунё тажрибасида шунчалик тез танилган мамлакат бормикан? Бор бўлса, нечта экан? Республикамизнинг бунчалик зудликда жаҳон аро бор бўй-бастини намойиш эта олганида спортнинг, бутун вужуди ватанпарварлик туйғулари билан жўш урган шижоатли спортчиларимизнинг ҳиссаси бебаҳодир. Зеро, ҳеч бир соҳа мамлакатни спортчалик дунёга тез танита олмайди. Спортимизнинг бугунги баҳодирлари — Мустақиллик юлдузлари. Бу юлдузлар шу саккиз йил ичида чарақлади.

Ҳа, бир ҳақиқатни очиқ айтайлик. Бу оламшумул ютуқлар, аввало, Истиқлол шарофати бўлса, иккинчидан, юртимизда ҳукм сураётган осойишталик, барқарорлик туфайлидир. Ўзингиз қиёсланг: 20 йилдан бери ички низолар, можаролар, отишмалар давом этаётган Афғонистонда спортни ривожлантириш ҳақида гапиришнинг ўзи кулгили эмасми?

Кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионати ўтказилаётганида бир мўйсафид отахон қувончини яшира олмай, кўзда ёш билан «Илойим, юртимизга кўз тегмасин», деб дуо қилганди. Биз ҳам ушбу мухтасар иншомизнинг сўнгги сўзини ўша калом билан якунлашни маъқул топдик.

**Озод РАЖАБОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ҚИРҒИЗИСТОН ЖАНУБИДАГИ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР

Ўтган кун давомида Хўжа Очкан қишлоғи ва унинг теграсини ҳисобга олмаганда, Ўш вилоятининг Боткен, Лайлак, Чўн Олой ва Қадамжой туманларида жиддий ўзгариш бўлмади.

Боткен воқеаси такрорланишига йўл қўймаслик мақсадида Ўш вилоятининг жанубида алоҳида ҳарбий бўлинмалар тузиш давом этмоқда. Боткен ҳарбий шаҳарчасини қўриқлашни кучайтириш чоралари кўрилди. Қўшимча постлар қўйилмоқда, соқчилар сменаси таркибида офицерлар сони кўпайтирилди, шаҳарча ичида соқчилик йўлга қўйилди.

Қирғизистон ҳукумат қўшинлари Зардоли қишлоғи атрофида Ормазан яйловини "тозалаш" чоғида 10 нафар жангарини асир олди. Уларни сўроқ қилиш чоғида Хўжа Очкан қишлоғидаги террорчи гуруҳлар сафида 9 та обрўли жангари бўлиб, улар бошқаларни ўз бошлиқлари буйруғини сўзсиз бажаришга мажбур қилаётганини аниқланди. Асир тушганларнинг гапларига қараганда, ана шу террорчилар қўлга олинса, қолганлар қаршилик кўрсатмай, ўз ихтиёри билан таслим бўлади. Кўпгина жангарилар босқинчилар тўдасига тушиб қолганидан пушаймон бўлмоқда, лекин бошлиқларининг жазосидан қўрқиб, қочишга ботинмаяпти.

Жангарилар озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш мақсадида маҳаллий аҳолидан тортиб олинган 100 бошга яқин қорамол, қўй, эчки ва паррандаларни сўйган.

"Слово Кыргызстана" ("Қирғизистон сўзи") газетасининг ёзишича, Зардоли қишлоғи озод қилинганидан сўнг террорчилар ин қуриб олган маҳаллий масжидда шприцлар, укол қилишга тайёрлаб қўйилган наркотик моддалар топилган.

Босқинчилар мамлакат ҳудудига суқулиб кирганидан буён Қирғизистон томонидан 16 киши ҳалок бўлди, 54 киши жароҳатланди. Ҳеч нарсадан тап тортмайдиган ёлланма қотиллар тўдалари одамлар бошига тушган кулфат ва фожиа келтиришдан ташқари, 70 кундан буён давом этаётган уруш натижасида Қирғизистонга улкан моддий, молиявий ва бошқа зарар ҳам етказди.

**Ғофур ЖАМОЛОВ.**

Россия ҳарбий-ҳаво кучларининг юк самолёти 8 октябр куни Қирғизистон армияси учун ўқ-дори ҳамда қишки ҳарбий кийимдан иборат моддий-техник ёрдам келтирди, деб ёзади РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси мухбири, Қирғизистон президенти матбуот котиби Канибек Имаалиев маълумотига таяниб.

Расмий маълумотларга кўра, Россия томони коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартномага мувофиқ равишда шундай ёрдам кўрсатмоқда. Ҳарбий-техникавий ёрдам Арманистон, Қозоғистон ҳамда Ўзбекистон томонидан ҳам кўрсатилмоқда, дейилади хабарда.

* * *

Очиқ айтиш керак, Тожикистон ўз ҳудудидаги жангариларнинг Қирғизистонга ўтишига қарши ҳеч бир иш қилаётгани йўқ, деди Қирғизистон армиясининг бирлашган қуролли кучлари қўмондони, генерал Абдигул Чўтбоев РАТА-ТАСС ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюсида. Унинг айтишича, Тожикистондаги жангарилар Қирғизистон жанубидаги террорчиларга қурол-яроғ ва ўқ-дорини етказишда давом этмоқда.

Генералнинг таъкидлашича, ҳозир энг асосий масала гаровдагиларни озод қилиш ва шундан сўнг террорчиларни батамом йўқ қилишдир. Биз учун қийинчилик туғдираётган асосий масала кескин ўт очишимиз керак бўлган нуқтада гаровга олинганларнинг борйўқлигини билишдир. Айни пайтда Зардоли ва Қўрғон қишлоқлари жангарилардан озод қилинган, улар қишлоқларда милиция ходимларини, маҳаллий ҳокимият вакилларини ҳамда ўқитувчиларни отиб ташлаган, деди А.Чўтбоев.

Гувоҳларнинг айтишича, террорчилар масжидларда яшаган. Зардоли ва Қўрғон қишлоғи жангарилардан тозалангандан сўнг, улар истиқомат қилган масжидлар кўздан кечирилганда, у ерда наркотик модда қолдиқлари ва шприцлар топилган.

**(ЎзА).**

## Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг қурултойи

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг III қурултойи бўлиб ўтди. Унда мазкур партия Марказий Кенгашининг биринчи котиби А.Жалолов Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг сиёсий ҳисоботи ва партия ташкилотларининг навбатдаги вазифалари тўғрисида маъруза қилди. Шунингдек, партиянинг Олий Мажлисдаги фракцияси фаолияти тўғрисидаги ҳисобот ҳам тингланди.

Делегатлар Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг янги таҳрирдаги Дастури ва сайловолди сиёсий дастури лойиҳаларини қабул қилди, партия Низомига ўзгартиришлар киритди. Қурултойда, шунингдек, партия Марказий Кенгаши ва Марказий Тафтиш комиссияси аъзолари сайланди.

Қурултойда Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан мамлакат Президентлигига мазкур партия Марказий Кенгашининг биринчи котиби А.Жалоловнинг номзоди кўрсатилди. Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзодлар рўйхати тасдиқланди.

**(ЎзА).**

Комилов бу борада мазкур комиссия олдида турган энг муҳим вазифалар хусусида сўз юритиб, сиёсий партия, вакиллик органлари ва мустақил номзодлар учун тенг шароитлар яратиш, сайловчиларнинг белгиланган ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш, халқаро кузатувчи ва журналистларнинг кенг фаолият олиб боришига барча имкониятларни яратиш зарурлигига эътиборни қаратди.

Сайловлар чиндан ҳам истиқлол йиллари даврида ҳуқуқий фуқаролик жамиятини барпо этиш борасида орттирган тажрибамизни, демократик тамойиллар ҳаётимизга қанчалик чуқур кириб бораётганини, фуқароларимизнинг сиёсий-ҳуқуқий онги нечоғли юксаклигини намоиш этиш учун синовдир. Бу улкан сиёсий тадбирни юксак савияда ўтказиш юрт осойишталиги ва тинчлигини мустаҳкамлаш, эл фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази раҳбари А. Саидов анжуманда сўзга чиқиб, сайловлар фуқаролар сиёсий фаоллигининг асосий шакли эканига эътиборни қаратди. Ушбу восита орқали ҳар қайси сайловчи кимга овоз беришидан қатъий назар, у — аввало, ўз хоҳиш-иродасига, иймон-эътиқодига таяниб, мустақил ва онгли равишда эркин овоз беради. Бу сайловчининг ҳақи, ҳуқуқи. Бу ҳуқуқ, аввало, мамлакатимизнинг бош қомуси — Конституциямизда, умумэътироф этилган қонунларимизда, шунингдек, илғор демократик давлатларнинг ижобий тажрибаси, мукаммал тартиблар ва талаблар асосида яратилган бошқа ҳуқуқий ҳужжатларимизда аниқ-равшан белгилаб берилган.

Анжуманда журналистларни қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб қайтарилди.

**(ЎзА)**

# “АДОЛАТ” СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ҚУРУЛТОЙИ

ти ҳам тасдиқланди.

Қурултойда мазкур партия Сиёсий Кенгашининг биринчи котиби Т.Даминовнинг “Адолат” СДП Сиёсий Кенгашининг ҳисоботи ва партия сайловолди Дастури тўғрисидаги маърузаси тингланди, партия Дастури ва Низомига ўзгартиришлар киритилди. Шунингдек, партия Сиёсий Кенгаши ва тафтиш комиссиясининг аъзолари сайланди.

**(ЎзА)**

# “ВАТАН ТАРАҚҚИЁТИ” ПАРТИЯСИ ҚУРУЛТОЙИ

Каримовни мамлакат Президентлигига номзод этиб кўрсатдилар. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзодлар рўйхати ҳам тасдиқланди.

Қурултойда партия Дастури ва Низомига баъзи ўзгартиришлар киритилди, партия Марказий Сиёсий Кенгаши ва тафтиш комиссиясининг янги таркиби тасдиқланди.

**(ЎзА)**

# ...АЁЛЛАРИ ...ИСТОНДА

...лакатингизда аёллар жамоат ва давлат қурилишида катта ўрин тутишига ишонч ҳосил қилдик, мамлакат ҳукумати уларни ҳаётнинг барча соҳаларида фаол иштирок этишга жалб қилишга катта эътибор бермоқда. Бу эса мамлакатингизда аёллар нечоғли ҳурмат қилинишини кўрсатади.

Делегация аъзолари “Оила” республика илмий-амалий марказида, ҳар хотин-қизлар қўмитасида бўлдилар. “Шарқ гули” акциядорлик жамияти ишчилари, Тошкент давлат иқтисодиёт университети талабалари билан ҳам учрашув бўлди. БМТ “Гендер ва тараққиёт” дастури бюросида нодавлат ташкилотлари вакиллари, тадбиркор аёллар билан давра суҳбати бўлди. Кореялик меҳмонлар Ҳамза номли академик театр спектаклини, Темурийлар тарихи Давлат музейини томоша қилдилар, Ўзбекистон бадиий академиясида бўлдилар, пойтахтимизнинг ...

Корея Республикасига бўюрган давлат ташрифига бағишлаб эълон қилинган кўплаб мақолаларнинг моҳиятини очиб беради. Бу мамлакатнинг сиёсий раҳбарлари ва ишбилармон доиралари Ўзбекистон билан ҳар томонлама ҳамкорликдан алоҳида манфаатдор эканини ҳамда ўзаро фойдали алоқаларни янада кенгайтириш имконини берадиган ҳужжатлар имзоланганидан мамнунлигини яширмаяпти.

Бир қарашда янги режалар, аввало, Ўзбекистонда мамнуният билан кутиб олинишини юзимдек кўринади. Масалан, Кореянинг “Эксимбанки” ёрдамида “ЎзДЭУавто” бўйича фақат иккита лойиҳанинг амалга оширилиши 100 ва 130 миллион АҚШ доллари билан баҳоланади ҳамда Ўзбекистон иқтисодиётининг юксалишини башорат қилишга имкон беради. Ташриф чоғида Жанубий Кореянинг йирик “Кабул текстайл” компанияси билан Ўзбекистон ҳукумати ўртасида имзоланган протоколга асосан, бу компания томонидан мамлакатимиз тўқимачилик тармоғига яқин вақт ичида ётқизиладиган сармоя бир миллиард долларгача кўпайтирилади. Маориф соҳасидаги ҳамкорликка қаратилган протоколни амалга ошириш учун “Эксимбанк”дан яна 35 миллион доллар имтиёзли кредит олиш режалаштирилмоқда.

Бу Жанубий Корея томони шу пайтгача Ўзбекистонга киритган 1,2 миллиард долларлик сармояга бугун яна қўшмоқчи бўлаётган маблағнинг бир қисми, холос.

Кореялик тадбиркорлар билан биргаликда ишлаётганлар корейслардан кўра ишнинг кўзини яхши биладиган ва талабчан ҳамкорни топиш қийинлигини яхши билади. Улар бошлаган иши фойда келтиришига қатъий ишонмаса, ҳар қандай вазиятда бир долларни ҳам ортиқча сарфламайдиган одамлардир.

Ундай бўлса, Ўзбекистон бу мамлакатни нимаси билан ўзига жалб қилмоқда? Корейс матбуоти жаҳондаги бозор иқтисодиёти ривожланаётган бошқа давлатларга нисбатан Ўзбекистон камида ўн жиҳати билан афзаллигини ёзди.

Мамлакатимиз раҳбарининг Корея Республикасига аввалги икки ташрифи чоғида улар дарҳол хайрихоҳлик билан эътиборни қаратган биринчи томони Ўзбекистон танлаб олган, аниқроқ айтсак, Ўзбекистон яратган иқтисодий тараққиёт моделидир.

Ислом Каримов 1995 йилдаёқ Кореяда чиқадиган “Дипломатия” журнали мухбирининг саволларига жавоб қайтарар экан, эътиборни икки жиҳатга қаратган эди. Биринчидан, амалга оширилаётган ислоҳотлар муқаррар ва уларни ортга қайтариш мумкин эмас. Бу маҳаллий ишбилармонларга тараққиётнинг ...

«…хта-99»



…жамоа хўжалиги оилаларида бу йил ҳар гектаридан ҳам мўл ҳосил етиштирилди. Бригадаларнинг биринчетин йиллик марраға етиб келаётгани ҳам фикримизнинг далилидир. Хўжаликнинг Эшдавлат Эгамбердиев бош бўлган бригада аъзолари эрта баҳорда 93 гектар майдонга ипак пахта уруғи қадашган эди. Агротехник тадбирлар ўз вақтида сифатли бажарилгани учун ҳар гектар ердан 35 центнердан хирмон кўтарилиб, режа ортиғи билан бажарилди. Илғорлар эндиликда ялпи ҳосилни 42 центнерга етказиш йўлида йиғим-теримни давом эттиришмоқда.

**СУРАТДА: бригада бошлиғи Эшдавлат Эгамбердиев бригада аъзолари Жўрабой Қосимов ва Омондавлат Қиличевлар билан.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

## МАҚСАД — 35 ЦЕНТНЕР

иқ туманидаги «Ўзбекистон» жа-
лиги деҳқонлари давлатга пахта
артнома режасини бажардилар.
591 гектар майдондан 2144 тонна
иб олинди. Шундан 796 тоннаси
ахтадир.
истон»ликларнинг нияти ҳосил-
35 центнерга етказишдир.

**А. ЖЎРАЕВ,**

**«Халқ сўзи» мухбири.**

## НАРПАЙНИНГ КАТТА ХИРМОНИ

Самарқанд вилоятидаги Нарпай тумани пахтакорлари йиллик режани бажардилар. Нарпай пахтазорларидан 31 минг тонналан зиёд қимматбаҳо саноат хомашёси йиғиштириб олинди. Пахтакорларга меҳнат шароити тўғри ташкил этилганлиги, иш ҳақининг ҳар беш кунда бериб борилганлиги муваффақиятлар омили бўлди.

**А. САТТОРОВ,**

**«Халқ сўзи» мухбири.**

# …БИТОРЛИК ВА КРЕДИТОРЛИК …РЗЛАРИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

итоблар механиз-
миллаштириш ва
овлари интизоми-
ҳкамлаш бўйича
комиссиясининг
ати ўтган дебитор-
иторлик қарзлари-
ириш бўйича ки-
иясининг навбат-
иши бўлди. Унда
Республикаси Пре-
нг "1995 йил 12
Халқ хўжалигида
блар ўз вақтида
учун корхона ва
р раҳбарларининг
ни ошириш бо-
чора-тадбирлар
и фармонига қис-
ишлар киритиш
а Фармони ва Ва-
камасининг "Муд-
б юборилган де-
қарзлар пайдо
учун вазирликлар,
ирлашмалари ва
раҳбарларининг
ини ошириш юза-
мча чора-тадбир-
да"ги қарори га-
бажариш бўйича
рилаётган ишлар
илди.
банк раиси, маз-
комиссия раиси

лик ва кредиторлик қарзлари хатлови белгиланган муддатларда ўтказилиши, шунингдек, маблағларнинг махсус траншлар ва мақсадли схемалар орқали ўзаро қарзларни камайтиришга йўналтирилиши, муддати ўтган қарзларнинг ўсишига йўл қўйган 230 та корхона ва ташкилотга доир ҳужжатларни прокуратура органларига тақдим этилиши ҳамда курилган бошқа чора-тадбирлар туфайли 1 октябрга қадар бундай қарзлар миқдори жорий йил бошига нисбатан икки баравар қисқарган.

Бу борада олиб борилаётган ишлар бўйича Сурхондарё, Андижон, Тошкент, Жиззах, Бухоро, Хоразм вилоятлари минтақавий комиссиялари раҳбарлари ҳисобот бердилар. Амалга оширилаётган чора-тадбирларга қарамасдан, бу ҳудудларда сусткашликка йўл қўйилаётгани, муддати ўтган қарзлар миқдори салмоқлилигича қолаётгани қаттиқ танқид қилинди.

Шунингдек, Энергетика ва электрлаштириш, Коммунал хизмат кўрсатиш, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари, "Ўзбек…

дорлик компанияси, "Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш" давлат ширкат қўмитаси, "Ўзкимёсаноат" уюшмасига қарашли корхона ва ташкилотларда дебиторлик ва кредиторлик қарзларини узил-кесил бартараф этиш борасида таъсирчан чоралар кўрилмаётгани қайд этилди.

Минтақавий комиссия раисларига муддати ўтган қарздорликни тугатишда лоқайдликка йўл қўйган, бундай қарзларнинг тасдиқланган жадваллар асосида камайишини таъминламаган ва уни тугатиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқмаган корхона ва ташкилотлар раҳбарларига нисбатан амалдаги қонунчиликка мувофиқ чоралар кўриш учун прокуратура органларига тақдим этиш ишларини жадаллаштириш вазифаси топширилди.

Мажлисда мониторинг ўрнатилган вазирлик ва идораларга қарашли ҳудудларда жойлашган ҳар бир корхона ва ташкилотда мавжуд муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини йил охиригача тўла бартараф этиш

Ўзбекистон Респ
Олий Мажлиси деп
ҳамда Президентлиг
депутатлари маҳалл
гашларига сайловла
яқинлашмоқда. Давла
миз тарихида, ха
ҳаётида муҳим ижтим
сий воқеа бўлган уш
ловлар кўп жиҳатдан
катимизнинг бундан
тараққиёти, янги аср
нақини белгилаб бер
боис бу жуда катта
кампанияга пухта ҳ
кўриш ва уни демокр
мойиллар асосида юкс
қоқлик билан ўтказиш
шиш юртимиз жамоа
олдида турган энг му
зифалардан биридир
сайловлар мустақил д
ижтимоий-сиёсий, м
маърифий, ҳуқуқий е
нинг ўзига хос имтиё
Марказий сайлов ко
сининг навбатдаги
анжуманида ана шу ҳ
борди. Унда Марказий
комиссияси раиси На

Ўзбекистон "Адола
ал-демократик партия
иккинчи қурултойи
Унда мазкур партияда
кистон Республикаси
дентлигига номзод к
тўғрисидаги масала к
Делегатлар Ислом Ка
ни Ўзбекистон Респу
Президентлигига номз
кўрсатдилар. Ўзбекист
публикаси Олий Мажл
путатлигига номзодлар

Ўзбекистон "Ватан
қиёти" партиясининг
чи қурултойи бўлиб
Унда партия Марказий
сий Кенгашининг ҳисо
партиянинг сайловол
тури муҳокама этилди
казий Сиёсий Кенгаш
А.Турсунов шу ҳақда м
қилди. Партиянинг сай
ди Дастури маъқулланд
Делегатлар "Ватан та
ти" партиясидан

## КХДР… ЎЗБЕ…

Корея Халқ-Демократ
публикаси хотин-қизлари
ратик Иттифоқи делегация
республикамизга ташриф
сига етди.
— Ташрифдан мақсад
кистон хотин-қизлар таш
лари фаолияти билан та
эди, — деди КХДР хоти
лар Демократик Иттифоқ
сининг ўринбосари Цо

